

Трактор ва транспорт воситаларининг юриш қисми.

Режа:

1. Умумий маълумотлар.
2. Кўтарувчи система ва осмалар
3. Шина турлари белгиланиши ва тузилиши.
4. Ғилдиракли юритгичлар.

ТАВСИЯ ЭТИЛГАН АДАБИЁТЛАР.

- Адабиётлар:

1.Салихов А. Трактор ва автомобиллар. Дарслик. Т.2012 й.-530 б.

2.Комилов А.И. ва бошқалар. Трактор ва автомобиллар. Талкин,2008й.-272 б.

3.Камилов А.И.Трактор ва автомобиллар назарияси асослари Т.2019 й.

Трактор ва транспорт воситаларининг юриш қисми.

- Юриш қисми трактор (автомобил) массасини (оғирлигини) таянч юзага узатади ва тракторни юргизади. У кўтарувчи системалар, юритгичлар ва осмалардан иборат.
- Кўтарувчи система трактор (автомобил) асоси бўлиб унга таъсир қиладиган зўриқишларни қабул қилади ва барча агрегатлар унга маҳкамланади.
- Юритгич (ғилдирак) двигателдан олинган қувватни трансмиссия орқали остовга узатади ва трактор (автомобил) ни илгарилама ҳаракатлантиради.
- Осма кўтарувчи системани юритгич билан бирлаштиради ва трактор (автомобил) нинг равон юришини таъминлайди.

Кўтарувчи системалар ва осмалар

Тракторнинг уч типдаги кўтарувчи системалари бор:

- Рамали
- Ярим рамали
- Рамасиз

Рамали кўтарувчи система иккита бўйлама жойлашган балкадан иборат пайдванланган ёки парчинланган рама бўлиб, ҳар хил профилли қуйма брус ва балкалар билан маҳкамланган.

Т – 150, ДТ – 75М, ДТ – 75, К – 701, Т – 150К

Рамали остовнинг афзалликлари.

- 1. Яхши бирлик ва мустақамликка эга.
- 2. Механизмларга қарашни қулайлаштиради.
- Камчиликлари:
 - 1. Массаси катта.
 - 2. Осмали машинага кам мослаштирилган.

- Ярим рамали кўтарувчи система трансмиссия агрегатлари қўйма корпусларини бириктириб ва уларга двигател ўрнатиладиган ярим рама балкаларини маҳкамлаб ҳосил қилади.

(ТТЗ – 80, Т – 130, Т – 4А, TS -130, Арион 630)


- Рамасиз кўтарувчи система двигател картерлари билан трансмиссияни маҳкам бириктирилишидан ташкил топади.

- Осмалар, кўтарувчи системани кўприк ёки автомобил (трактор) ғилдиракларини ёки гусеница юритгичлари билан эластик боғлайдиган қурилма осма деб аталади.
- Автомобил осмалари автомобил ҳаракатланганида кузовнинг вазиятини ростлайди. Осма йўналтирувчи қурилма, эластик элемент, сўндириш қурилмаси ва амортизатордан иборат. Йўналтирувчи қурилма автомобил (трактор) кўтарувчи системасига нисбатан ғилдиракнинг силжиш характерини аниқлайди. Османинг эластик элементи автомобил (трактор)га таъсир қиладиган динамик нагрузкаларни камайтиради.
- Сўндириш қурилмаси автомобил (трактор) кузови ва ғилдираклари тебранишларини сўнишини тезлатиш учун хизмат қиладди.
- Занжирли тракторларда осмалар:эластик, ярим бикр ва бикр осмаларга бўлинади.


Эластик осмали занжирли юритгич



Эластик осмали занжирли юритгич



Ярим бикр осмали занжирли юритгич




- Гусеницали тракторлар осмалари йўналтириш қурилмалари типи бўйича бикр,(Т-130), ярим бикр(Т-4М) ва эластик(Т-175,Т-150) осмаларга бўлинади.
- Шина турлари, белгилаш ва тузилиши
- Шина ғилдиракка тушадиган динамик нагрукани камайтириш, ғилдиракнинг таянч юза билан илашишини оширишга мўлжалланган.
- Камерали шиналар
- Камерасиз шиналар

- **Шина** профилининг кўриниши бўйича (расм) улар оддий профили, кенг профили, паст профили, ўта паст профили, аркасимон, пневмо- катокларга бўлинади



Шинанинг қирқими:
 В-Шинанинг эни; Н-
 профилнинг баландлиги; D-
 Шинанинг ташқи диаметри;
 d-тўғиннинг диаметри.




Диагонал ва радиал
 шиналарнинг
 конструкцияси:
 а) диагонал; б) радиал.

- Камерасиз шиналар ҳаракат ҳавфсизлигини оширади чунки улар тешилганида ҳаво одатдаги шиналардагига нисбатан секин чиқади.
- Паст босимли шиналар қуйидагича белгиланади, биринчи сон-профил кенглиги В, тиредан кейинги иккинчи сон ғилдирак тўғинининг диаметри d
- 12-38” 38” - тўғин диаметри; 12-профил кенглиги.
- Юқори босимли шиналардаги сонлар орасида тире ўрнига кўпайтириш ишораси қўйилади. 34x7”.


- Шиналар оддий ва радиал турларга бўлинади.
- Оддий шиналарда каркас ва брекер иплари бир-бирига $45-60^\circ$ бурчак остида тўқилади.
- Радиал шиналарда каркас иплари 0° бурчак остида тўқилади, брекер иплари эса 65° дан кам бўлмаган бурчак остида тўқилади.
- Ғилдиракли юритгич

- Ғилдираклар бажарадиган функцияларига кўра етакчи, етакланувчи ва бошқариладиган ғилдиракларга бўлинади.
- Ғилдиракли трактор қуйидагича белгиланади:
- Универсал чопиқ тракторлари ТТЗ-80.11 3=2, ТТЗ-80.10 4x2
- Қўш етакчи кўприкли универсал чопиқ тракторлари МТЗ-82 4=4
- Умумий ишларга мўлжалланган тракторлар К-701, Т-150К 4=4

- Автомобиллар осмалари мустақилмас ва мустақил осмаларга бўлинади.
- Мустақилмас осмада бир ғилдирак ҳаракатланса шу кўприкдаги бошқа ғилдирак ҳам ҳаракатланади.
- Мустақил осмада эса бир кўприкдаги ғилдирак ҳаракатланиши бир-бирига боғлиқ бўлмайди.
- Икки ўқли юк автомобиллари мустақилмас осмалари бўлади. Уларда иккала қўприк ҳам пластиналар бўйлама ярим эластик рессоралар воситасида рамага осиб қўйилади. Енгил автомобилларнинг олди қўприги мустақил осмали, орқа кўприги мустақилмас осмали бўлади.



a) nomustaqil osma.



b) mustaqil osma

Мустақил османинг афзаллиги шундан иборатки, ғилдираклардан бири тўсиққа чиққанида ва ўнқир-чўнқирдан ўтганида кузов ўзининг горизонтал вазиятини сақлаб қолади.

Эътиборингиз учун рахмат